



“ 30 ” май 20 19 у № 24

**Аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартибни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, иқтисодий фаолият турлари бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятининг танланма статистик кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг хизматлар билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги статистик маълумотларнинг сифатини янада ошириш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси **қарор қилади:**

1. Аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2014 йил 9 июндаги 5-сонли “Аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танлама кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика кўмитасининг
2019 йил “30” майдаги
24-сон қарорига
ИЛОВА

**Аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ТАРТИБ**

Мазкур Тартиб хизматлар соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, аҳолига хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар танланма кузатувини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилайди.

Уни ишлаб чиқишда хизматлар соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсияларда келтирилган таърифлар ва ҳисоблаш усулларидан фойдаланилди.

Мазкур Тартиб жисмоний шахсларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш учун имкон берадиган ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланишга мўлжалланган.

Кузатув Ўзбекистон Республикасида бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотларни шакллантириш учун тадбиқ этилган.

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қуйидаги асосий таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

хизматлар соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти (ЯМФ) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан бозор хизматлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан бозор хизматлари ишлаб чиқариш – мунтазам равишда ялпи статистик кузатувлар билан ҳисобга олинмайдиган ва қонуний амалга ошириладиган, истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) буюртмасига кўра товар ва хизматлар ишлаб чиқаришдаги якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти.